

Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2009 йил 12 декабрь, № 240 (4903)

Шанба

ЎЗБЕКISTON ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТУРКМАНИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг таклифига биноан, жорий йил 13-14 декабрь кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлади.

Ташриф чоғида Ўзбекистон — Туркменистон ҳамкорлигини кенгайтириш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар муҳокама қилинади.

Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини ривожлантиришга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

Ўзбекистон — Туркменистон:

Дўстона ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик қонуниятлари асосида

Жорий йил икки яқин қўшни давлат — Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасидаги муносабатлар, жумладан, олий даражадаги муносабатларнинг ўсиши ва моҳиятан ажралиб туришини тасдиқлаши ва мустақамлаши билан аҳамиятлидир. Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг февраль ойида Тошкентга қилган расмий ташрифи бу йилги олий даражадаги муносабатларга йўл очган бўлса, Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг Ашхободга амалга оширилган расмий жавоб ташрифи икки мамлакатнинг ўзаро манфаатли ва серқирра ҳамкорлигининг 2009 йилдаги босқичига мантиқан хотима ясайди.

Қардош Ўзбекистон ва Туркменистон халқларининг алоқалари ҳамisha тил, маданият, тарих, анъана ва урф-одатлар яқинлигига, ўзаро ишонч, ҳурмат ва қўллаб-қувватлашга асосланган бўлиб келган. Охириги йилларда ушбу муносабатлар қизгин сиёсий мулоқотлар, иқтисодий, ижтимоий, маданий соҳалардаги фаол ҳамкорлик алоқаларида мустақамлашмоқда.

Ўзаро фаолиятнинг турли жабҳаларини қамраган фаол сиёсий алоқалар, шунингдек, глобал ва минтақавий ривожланишга оид қўллаб-қувватлаш масалаларида нукта назарларининг яқинлиги ёки ўхшашлиги мавжуд икки томонлама алоқаларни янада мустақамлаш ва ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янги йўналишларини белгилайди. Ўзбекистон билан Туркменистон кўп томонлама дипломатияда ҳам самарали муносабатларни ривожлантиришда. Давлатларимизнинг халқаро ташкилотлар, хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилати доирасидаги ҳамкорлиги конструктив ва самарали шерикчилик алоқаларига мисолдир.

Икки томонлама алоқалар 2007 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Туркменистонга амалга оширган давлат ташрифи чоғида имзоланган Дўстона муносабатлар ва хар томонлама ҳамкорлигини мустақамлаш тўғрисидаги давлатлараро шартнома асосида ривожланмоқда.

Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасида ўзаро ҳамкорлик борасида ва икки томонлама муносабатларнинг шартномавий-ҳуқуқий асосини ташкил этувчи 150 га яқин ҳужжатлар имзоланган. Улар орасида 1996 йилда имзоланган Узоқ муддатли савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги ҳуқуқатлараро битим алоҳида ўрин тугади. Бу борадаги долзарб масалаларни тезкор ҳал этиш мақсадида ўша йили савдо-иқтисодий, илмий-техника-

(Давоми 2-бетда).

ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилётган ислохотлар туфайли иқтисодийнинг бошқа соҳалари сингари энгил саноат ҳам тобора ривожланиб бормоқда. Хусусан, кейинги йилларда жойларда пахта толасини қайта ишлашга ихтисослашган қатор қўшма корхоналар ишга туширилди, бу пировардида маҳсулот турини ҳам, ҳажминини ҳам ошириш имкониятини яратди.

Бундай янгиланишлар нафақат аҳолини иш билан таъминлаш, балки уларнинг даромадларини ошириш, турмуш даражасини янада яхшилашга хизмат қилаётгани, айниқса, қувонарлидир.

Ислохот

Богот туманидаги "Коттонтекс" Ўзбекистон — Россия қўшма корхонасининг иш бошлаганига ҳам ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Шундай бўлса-да, бу ерда тайёрланаётган калава ип маҳсулотлари аллақачон ўз харидорини топиб улгурган.

Корхона цехларига Германия, Швейцария, Туркия сингари давлатлардан 1 миллион 200 минг АҚШ долларлик замонавий дастгоҳлар келтириб ўрнатилган, иш унмудорлиги янада ортди. Корхонада ўтган йили 1137 тонна калава ип ишлаб чиқарилгани, бу кўрсаткич жорий йилнинг 10 ойи ичида 1548 тоннага етиб, шундан 1323,4 тоннаси хоризга сотилгани бунинг яққол далилидир.

Албатта, бу рақамлар корхона салоҳияти йилдан-йилга ортиб бораётганини яққол кўрсатиб турибди.

Корхона мутахассислари ишлаб чиқариш қувватини янада ошириш учун қўшимча имкониятлардан фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар. Гап шундаки, шу кунларда бу ерда 1 миллион 45 минг АҚШ долларлик куриш-монтаж ишлари амалга оширилиб, 995 минг АҚШ долларлик замонавий технологиялар ўрнатилмоқда. Бу келгусида корхонада 3 минг тонна пахта хом ашёси қайта ишланиб, 2 минг 400 тонна калава ип ишлаб чиқарилади, деганидир.

Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



СУРАТДА: корхона ишчилари Гулбахор Саидова ва Дилдора Шомуродова.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

ҚАДИМИЙ ЎЗБЕК МАДАНИЯТИНИНГ КОРЕЯДАГИ НАМОЙИШИ

Сеулдаги Корея Республикаси Миллий музейда "Шарқ ва Ғарб тамаддуни чорраҳасида: Ўзбекистоннинг қадимий маданияти" кўргазмаси очилди. У Ўзбекистон Республикаси ҳукумати, Корея Республикаси Ташқи ишлар ва савдо, Маданият, спорт ва туризм вазирликлари кўмагида ташкил этилди.

Музейнинг Осиё кўргазмалари бўлими бош залига ёйилган экспозициядан Ўзбекистоннинг палеолит, неолит ва бронза даврларида оид бой тарихи ҳамда мероси ҳақида хикоя қилувчи 150 дан ортик экспонат жой олган. Кўргазма Жанубий Корея жамоатчилиги ва Сеул шаҳри меҳмонларига Ўзбекистоннинг маданияти, санъати, урф-одат ва анъаналари билан яқиндан танишиш имконини берди.

Кўргазманинг тантанали очилиш маросимида Жанубий Кореянинг ҳукумат, эксперт, академик ва ижтимоий доиралари, ушбу мамлакатда рўйхатдан ўтган хоржий мамлакатларнинг дипломатик ваколатхоналари вакиллари, шунингдек, маданият ва спорт ишлари вазирининг биринчи ўринбосари Б. Сайфуллаев бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси расмий делегацияси, Корея Республикаси олий ўқув юртиларида тахсил олаётган ўзбекистонлик талабалар иштирок этишди.

Корея Республикаси маданият, спорт ва туризм вазирининг биринчи ўринбосари Шин Че Мин ўз таъриқ нутқида Ўзбекистон халқи ва музей жамоасини ушбу ноёб кўргазманинг очилиши би-

лан самимий қутлади. У "Жанубий Корея ва Ўзбекистон илдизи узоқ ўтмишга бориб тақалувчи маданиятлар алмашинувига эга бўлган қўшнилари. Бугунги кунда сиёсий, иқтисодий ҳамда маданий соҳаларда Корея Республикаси ва Ўзбекистон муносабатлари изчил ўсиш суръатига эга", дея таъкидлади. Жаноб Шин кўргазманинг "Шарқ ва Ғарб тамаддуни чорраҳасида: Ўзбекистоннинг қадимий маданияти" дея ўзига хос номланганига эътибор қаратиб, жумладан, шундай деди:

— Ўзбекистон Ғарбий Осиё, Хитой ва Хиндистон худудидан ўтувчи йўлларнинг чорраҳасида жойлашган Буюк Ипак йўлининг қок маркази саналади. Ўзбекистоннинг кўҳна тарихи ва ранг-баранг маданиятини ўзида акс эттирган ушбу кўргазма Жанубий Корея билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларнинг келгуси ривож учун пойдевор вазифасини ўтайди ва глобаллашув даврида икки томонлама маданий алмашинуви янада жонлантиришга туртки бўлади.

Биз ва дунё

Ўзбекистонликлар ўз чиқишларида Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бакнинг шу йил Ўзбекистонга амалга оширган ташрифи икки давлат ўртасидаги ҳамкорликнинг янги босқичига замин яратганини қайд этишди. Шу ўринда Жанубий Корея билан Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг бугунги ҳолати, ўз халқининг миллий қадриятларини кўз қорачиқдек асраш ва уни янада бойитиш йўлида давлатларимиз раҳбарияти томонидан бир-галликда амалга оширилган саъй-ҳаракатларнинг натижаси эканлиги мамуният билан таъкидланди.

Корея Республикаси Миллий музейи директори Че Кванг Шикнинг айтишича, Ўзбекистон жойлашган Урта Осиё қадимий корейлар учун нотаниш ўлка бўлмаган. 1965 йилда Афросиёб маданий ёдгорликлари орасида топилган деворга ишланган суратларда қадимий корейларнинг қиёфаси яққол тасвирланган, бу эса Жанубий Корея ва Ўзбекистон халқлари ва маданиятлари ўртасидаги яқин алоқалар узоқ ўтмишда ҳам мавжуд бўлганидан далолатдир. Шунингдек, музей директори кўргазма икки давлат ўртасидаги алоқаларнинг ривожланиш тарихини ўрганишга қулай имконият яратишини ҳам таъкидлаб ўтди.

(Давоми 4-бетда).

2010 йил — Баркамол авлод йили

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимда Президентимизнинг маърузасини тинглар эканман, мамлакат тараққиёти, юрт саодати, ва айниқса, келажақ авлод истиқболи ҳақидаги фикрларидан қаттиқ таъсирландим.

ЭРТАНГИ КУН МАСЪУЛИЯТИ

Зеро, бугун мамлакатимизда олиб борилаётган бунёдкорлик, ижтимоий иқтисодий соҳалардаги ислохотлар, маънавий-маърифий тизимдаги янгиланишларнинг замирида ҳаётимизнинг асл мазмуни — фарзандларимизнинг баркамол турмуш тарзини яратишдек мақсад муҳасам. Айтиш мумкинки, 2010 йилнинг юртимизда "Баркамол авлод йили" деб эълон қилиниши, том маънода, ю р т и м и з да амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий сиёсатимизнинг мантиқий давоми бўлди. Негаки, барча саъй-ҳаракатларимизнинг негизда фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини қўриш, дунёда ҳеч қандам кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси туради. Кириб келаётган янги йилнинг мамлакатнинг келажаги ва умиди бўлиши ёш авлоднинг баркамоллиги йўлидаги хайрли ишларга бағишланиши, бир томондан, ёшлар учун яратилаётган шарт-шароит ва имкониятларнинг қўлайлиги янада кенгайтирса, иккинчи томондан, биз, устозлар учун ўз фаолиятимиз давомида янада самарали ва масъулиятли меҳнат қилиш заруратини тақозо этади.

Мустақиллик йилларида таълим соҳаси, хусусан, урта махсус касб-хўнар таълимини ривожлантиришга берилган эътибор ҳар томонлама етук авлодни тарбиялаш мақсадини қўлайди. Шу маънода, 2000 нафарга яқин ўқувчи тахсил олаётган коллежимиз жамоасининг педагогик фаолияти баркамол авлодни тарбиялаш йўлидаги вазифаларни сидқидилдан бажаришга бағишланган десак, муболаға

бўлмайди. Негаки, бугунги кунда ўқув жараёнига янги аҳборот ва педагогик технологиялар кенг жорий этилмоқда, таълим ва тарбияда мукамал воситалардан фойдаланилаётган. Бундан ташқари, бой моддий-техника таъминоти яратиш, жисмоний тарбия ва спорт ишларини жонлантириш, касб-хўнар бўйича ўқувчиларнинг кенг қўнимка ва малакаларни оғаллашлари га ёрдамлашиш, мавжуд им-кониятлардан самарали ва оқилона фойдаланиш натижасида бугунги кунда битирувчиларнинг олий ўқув юртиларига муваффақиятли қабул қилинишига, мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштирилишига эришилмоқда.

Президентимиз ўз маърузасида халқаро ҳамжиҳат ва тараққи тоған мамлакатлар қаторига қўтарилиш учун ҳаракат қилаётган жамият, биринчи навбатда, бугун униб-ўсиб келаётган фарзандларининг ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб ҳаётга кириб боришини ўзи учун энг улуг, керак бўлса, энг муқаддас мақсад деб билади, дея эътироф этганлариде, биз, педагогларнинг қўлимиз яна бир қарра жўнбушга келди. Чунки биз, устозлар фаолиятининг ақсар қисми ёшлар орасида ўтади. Янада аниқроқ айтганда, ёшлар бизнинг ҳаётимиз, бугунимиз, эртанимиз. Шу туфайли маърузада таъкидланган юқоридаги сатрлар биз, ўқитувчиларнинг келажақ фаолиятимиз таъминоти бўлишига алоҳид алоҳид ҳизмат қилиши, шубҳасиз.

Этабберган КАРИМОВ,
Урганч автомобил ва йўллар коллежи директори,
Олий Мажлис Сенати аъзоси,
Ўзбекистон Қоҳрамони.

ЧЕККА ҚИШЛОҚДА ЗАМОНАВИЙ КОШОНА

Фаргона вилоятининг Қувасой шаҳридаги Арсиф қишлоғи аҳли Конституциямиз қабул қилинганнинг 17 йиллигини зўр шоду хуррамлик билан нишонлашди.

Гап шундаки, "Sen yolg'iz emassan" Республика бола-лар жамоатчилиқ жамғармаси, қатор жамоат ташкилотлари хомийлигида бу ерда Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, Ёшлар ҳамда саломатлик марказларини ўз ичига олган муқашам замонавий мажмуа фойдаланишга топширилди.

Қарқиндор қирлар бағридаги хушманзара қишлоққа кўрк ва чирой бахш этиб тур-

фратузилмасини яхшилаш, аҳоли турмуш даражасини ошириш борасида анчагина ишлар бажарилди. Бу ерда-

2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

мажмуа "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури доирасида бунёд этилди.

Арсиф — Фаргона водийсидаги энг қадимий, гўзал ва хушманзара қишлоқлардан бири. Истиқлолнинг дастлабки йилларидан қишлоқ ин-

ги нуфузли кутубхоналар билан боғланиш мумкин. Репродуктив саломатлик марказида эса беморлар ҳамда ташхис ўтказиш истагида бўлганлар учун барча имкониятлар яратилган.

Кошонанинг очилиши шу ерда яшовчи аҳоли учун чинакам шодибонага айланади кетди. Хомийлар томонидан кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига суннат тўйи ҳам ўтказиб берилди.

Набижон СОБИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.


БИР РАҚАМ
ШАРҲИ

МАШИНАСОЗЛИК САНОАТИНИНГ ДАДИЛ ОДИМЛАРИ

2009 йилнинг тўққиз ойи мобайнида мамлакатимиз машинасозлик ва металл ишлаб бериш саноатида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми

117,5 фоизга ўсди.

Таркибий ўзгаришлар ва аниқ чоратадбирларнинг изчил амалга оширилиши натижасида соҳада шундай юқори ўсиш суръати таъминланди.




ЖАҲОН

24 соат ичида

Сувда ишдан чиқмайди

Кореянинг "Samsung" корпорацияси электроника воситалари учун сувда ишдан чиқмайдиган хотира карталарини яратди.



Мазкур мосламалар 24 соат давомида сувда ёки 1600 килограмм оғирликда...

Микдори ҳайратга солди

Франция молия вазири футбол бўйича миллий терма жамоа бош мураббийи Раймон Доменека ажратилган мукофот пули микдоридан ҳайратга тушганини билдирди.

Яъни, у Франция терма жамоасининг жаҳон чемпионатида йўл олгани учун мураббийга 825 минг евро берилганидан ташқибунда...

«Тунги ёғду» аукционда

Нью-Йорк шаҳридаги "Кристис" аукционда ноқ шақлидаги олмос 5 миллион 402 минг АҚШ долларига сотилди.

Бу ҳақда савдо уйининг Интернетдаги сайтыда хабар тарқатилган. Мазкур қимматбаҳо тош эразмиздан аввалги туртинчи асрга тегишлидир.

Мукофотлар топширилди

Швециянинг Стокгольм шаҳрида Нобель мукофотининг жорий йилги совриндорларини тақдирлашга бағишланган маросим ўтказилди.

Унда физика йўналишида Чарльз Као, Уиллард Бойл, Жорж Смит, физиология ва тиббиёт соҳасида Элизабет Блэкберн, Жек Шостак, Карол Грейдер, кимё йўналишида Венкатраман Рамакришнан, Томас Стейк, Ад Ионат, иқтисодиёт бўйича Элинор Остром ҳамда Оливер Уильямсон, адабиёт йўналишида эса Герта Мюллерга ушбу мукофот тантанали равишда топширилди.

Ҳаводан зарбалар берилди

АҚШ ҳарбий кучларига тегишли учувчисиз бошқариладиган самолёт Покистоннинг "Ал-Қоида" жангарилари жойлашиб олган худудларга ҳаводан зарбалар берди, дейилади "Associated Press" ахборотида.

Ҳарбий амалиёт чоғида тўданинг тўрт нафар аъзоси йўқ қилинган. Ҳалок бўлганлар орасида ташкилот раҳбари Усама бин Ладиннинг гўштакиси Ойман ал-Заваҳрининг ҳам борлиги айтилмоқда.



манбаларда тасдиқлангани йўқ.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Ташкилот куйидагиларни таклиф этади:

- игна баргли; крим қарагайи, можжевельник, туя ва бошқалар; манзарали кўчатлар; дуб, ясен, каштан, япон сафораси, терак ва бошқалар.

Сотиш баҳоси — келишилган нарҳда. Кўчатлар кўпроқ микдорда олинганда, ташкилот ўз автотранспортда манзилга етказиб беради ва кўчатни экишда амалий ёрдам кўрсатади. Мурожаат учун телефон: 292-97-62.

Бугун инсон ва табиат ўртасидаги муносабат ҳамма замонлардагидан кўра, долзарб тус олди. Табиатга эғалик қилиш, унинг бойликларидан истаганча фойдаланиш оқибатида табиий мувозанат издан чиқди.

Глобал мақомини олган масалалар ичида ўрмонларнинг йўқ бўлиб кетиши муаммоси жуда жиддий саналади. Чунки яшил худуднинг қисқариши нафақат наботот оламига, балки инсоният учун ҳам хавф туғдиради.

Тарихга назар ташласак, 1950 йилда тропик ўрмонлар 15 фоизга тенг бўлган. 2000 йилга келиб эса улар майдони 300 миллион гектарга камайиб, атиги 7 фоизни ташкил қилган.

Айни пайтга келиб тропик ўрмонларнинг камайиши борасида Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари ва Фарбий Африка мам-

ЯШИЛ ОЛАМ ТАШВИШЛАРИ

лакатлари "пешқадамлар" сафида турибди. Бунга инсон омилли асосий сабаб бўлаётир. Чунки аксарият фармацевтика маҳсулотларини тайёрлашда ишлатиладиган хом ашё ана шу ўрмонлар ҳисобидан қопланмоқда.

Шарҳ

конференция ўтказилган. Унда иштирок этган соҳа мутахассислари ўрмонзорларни ва қабри муносабат яшири натижаларга олиб келмаслигини таъкидлаб, ушбу ҳолга муносабат ижобий томонга ўзгартирилмаса, яна саксон йилдан сўнг ер юзидagi ўрмонлар бутунлай йўқ бўлиб кетиши мумкинлиги ўқтирилган.

Жанубий Америка минтақасида ҳам аҳвол мураккаб. Хусусан, Бразилия ва Парагвайда йилдан-йилга кўра ўрмонзорлар камайиб бормоқда. Кузатишларга кўра, тропик ўрмонларни кесиб борасида Япония биринчи ўринда тураркан. Кейинги ўринларда эса АҚШ ва Европа мамлакатлари, шуниқдек, Индонезия, Таиланд, Филиппин ва Малайзия кайд этилган.

дудудлардан асар ҳам қолмаслиги мумкинлиги тахмин қилинмоқда. Бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш борасида 1990 йилда Токиода Бирлашган Миллатлар Ташкилоти васийлигида йирик

манда Парагвай ва Индонезия давлатлари 2020 йилга бориб, яшил худудларга зарар етказилиши бутунлай тўхтатилишини билдирган.

Аммо кўрилатган чораларга қарамай, тропик ўрмонларга нисбатан салбий муносабат қутилган даражада ўзгаргани йўқ. Ачинарлиси, айни пайтга келиб, турли сабаб ва мақсадлар йўлида дақиқасига 20 гектар ўрмон йўқ бўлиб кетмоқда.

Ўрмонзорларнинг қисқаришига олиб келётган яна бир омил ёнғинлардир. Кузатишларга қараганда, яшил худудларда содир бўлаётган ёнғинларнинг 97 фоизи инсон қўли билан юзага келади. Таассуфки, сўнгги пайтларда бундай табиий офатлар кўлами ҳам охиб бормоқда.

Маълумки, жаҳон қоғоз ишлаб чиқариш саноати, қурилиш соҳаси учун ҳам даракхатлар беқиёс аҳамият касб этади. Шундай экан, бу тизим мақсадлари учун ҳам биринчи галда ўрмонлардан фойдаланишга тўғри келади. Дунёнинг аксарият мамлакатларида қоғоз саноатини ривожлантириш мақсадида ўрмонларни кесиб авж олиб кетган бўлса, қурилиш ишларини ривожлантиришга қаратилган эътибор сабаб ҳам ана шундай худудлар қисқармоқда.

Албатта, ўрмонзорларга етказилаётган зарар жаҳон иқтисодиётига ҳам сезиларли салбий таъсир ўтказмоқда. Европа Комиссияси тадқиқотчиларидан бирининг сўзларига қараганда, бу салбий ҳолат йилга 2-5 триллион АҚШ доллари микдорига зарар келтирмоқда.

Мухтасар қилиб айтганимиз бўлса, ўрмонлар биринчи галда атмосферадаги мувозанатни сақлашда катта аҳамият касб этади. Атмосферанинг мусофоллиги эса ер юзида аҳолининг соғлом турмуш кечириши учун асосий омил саналади. Шундай экан, табиатнинг бу бебаҳо нәматига муносабатини ўзгартириш даври аллақачон келган десак, муволага бўлмайди. Қолаверса, бу масалада дунё ҳамжамияти яқдил бўлиб ҳаракат қилиши талаб этилади. Чунки муаммо глобал мақомини олиб улгургани бос, унинг ечимига бир ёки икки давлатнинг саъй-ҳаракати билан эришиш мушкул.

Фозилдин АБИЛОВ.

2010 йил 14 январь ЭЪЛОН! соат 10.00 да
ВШ-709 «Тошкент — Янгиер», икки томондан
ВШ-715 «Самарқанд — Бухоро», икки томондан
ВШ-718 «Бекобод — Самарқанд», икки томондан
ВШ-723 «Фаргона — Наманган», икки томондан
ВШ-724 «Наманган — Кўхон», Наманган томонидан
ВШ-753 «Андижон — Наманган», икки томондан
ВШ-769 «Тошкент — Сирдарё», икки томондан
ВШ-800 «Самарқанд — Ангрэн» томонидан
ВШ-805 «Усмат — Самарқанд», Самарқанд томонидан
ВШ-820 «Самарқанд — Олмалик», икки томондан
ВШ-829 «Усмат — Булунгур», икки томондан
ВШ-835 «Марғилон — Андижон», икки томондан
ВШ-841 «Тошкент — Арнасой», Арнасой томонидан
ВШ-856 «Бекобод — Гулистон», Фалаба орқали Гулистон томонидан
ВШ-879 «Тошкент — Хатирчи», Тошкент томонидан
ВШ-915 «Жуш — Арнасой 23 ш/х», икки томондан
ВШ-930 «Тошкент — Фаллаорол», икки томондан
ВШ-960 «Тошкент — Кўйтош», икки томондан
ВШ-970 «Гулистон — Гагарин», икки томондан
ВШ-972 «Дўстлик — Гулистон», икки томондан
ВШ-983 «Ғиждувон — Зафаробод», икки томондан
ВШ-988 «Тошкент — Термиз», Термиз томонидан
ВШ-1048 «Ҳазорасп — Нукус», икки томондан
ВШ-1082 «Тошкент — Жаркўрғон», Тошкент томонидан
ВШ-1093 «Ургут — Ғузор», икки томондан
ВШ-1097 «Тошкент — Шофиркон», икки томондан
ВШ-1118 «Тўрткўл — Саримой», икки томондан
ВШ-1123 «Тошкент — Кўшкўлир», Хива орқали икки томондан
ВШ-1082_T «Тошкент — Жаркўрғон», Тошкент томонидан
ВШ-731-ЙТ «Шахрисабз — Денов», Денов томонидан
ВШ-736-ЙТ «Тошкент — Дўстлик», Тошкент томонидан
ВШ-824-ЙТ «Тошкент — Гагарин», Тошкент томонидан
ВШ-851-ЙТ «Деҳқонобод — Музработ», икки томондан
ВШ-863-ЙТ «Самарқанд — Гагарин», Самарқанд томонидан
ВШ-870-ЙТ «Каттақўрғон — Навоий», Каттақўрғон томонидан
ВШ-880-ЙТ «Янгиер — Жиззах», икки томондан
ВШ-1028-ЙТ «Пахтакор — Чўя», икки томондан
ВШ-1103-ЙТ «Арнасой — Тоз қишлоғи», икки томондан
ВШ-1105-ЙТ «Дўстлик — Самарқанд», Самарқанд томонидан
ВШ-1118-ЙТ «Тўрткўл — Саримой», Саримой томонидан
ВШ-1122-ЙТ «Хива — Кўнғирот», икки томондан
шаҳарлараро-вилоятлараро автобус ва йўналишли такси йўналишларида ишлаш ҳуқуқини олиш учун очик тендер ўтказилади.
Очик тендерда мулкчилик шаклидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган тартибда рўйхатга олинган, солиқ органлари ҳисобида турувчи ва автомобиль транспортда шаҳарлараро йўловчи ташишни амалга ошириш учун лицензияси бўлган ҳўжалик юритувчи субъектлар иштирок этиши мумкин.
Тендер ташкилотчиси — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 29 июлдаги 368-сонли қарори билан тузилган шаҳарлараро-вилоятлараро ва халқаро йўналишларни жойлаштириш учун очик тендерлар ўтказишни ташкил этиш масалалари бўйича идоралараро комиссия.
Комиссия манзили: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур кўчаси, 3-уй.
Очик тендерда иштирок этишни хоҳловчилар идоралараро комиссияга тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент шаҳридаги «Агробанк» АТБдаги 20210000300745005044 махсус ҳисоб рақами (банк коди: 00394, СТИР: 202811527, ХТТУТ: 97300)га 35 минг сўм ўтказиб, 2010 йил 9 январьга буюртма беришлари лозим.
Идоралараро комиссия тендер таклифларини 2010 йил 13 январь соат 18.00 гача қабул қилади.
Тендер ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур кўчаси, 3-уй, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги мажлислар зали.
Маълумот учун телефонлар: 241-53-27, 241-18-10.

FORMULA-1 АВТОДЎКОНИ
сизга куйидагиларни таклиф этади:
Автомобиль эҳтиёт қисмлари R12 дан R17 гача бўлган автотиналар
35W дан 200W гача бўлган аккумуляторлар
Мотор мойлари
Трансмиссия мойлари
Автомобиль жиҳозлари
Автомобиль ойналари
Автомобиль бўёқлари
Автомобиль дисклари
Электродлар
Манзилми: Тошкент ш., Катортал к., 50-«В» уй.
Мўлжал — Катортал савдо маркази қаршида.
Тел.: (+99871) 150-62-20, (+99898) 304-13-12,
факс: (+99871) 278-06-83.
E-mail: avto-formula1@mail.ru

“ВОЛГА” АВТОМОБИЛЛАРИГА МАКСИМАЛ ЧЕГИРМА
AVTODOM PLUS
Автосалон: Тошкент ш., Бунёдкор шоҳкўчаси, 118-уй.
Тел.: (998 71) 140-41-21, 140-41-22.
Офис: Тошкент ш., 100015, Шахрисабз к., 16-«А» уй.
Тел./факс: (998 71) 256-03-62, 256-13-01.

Завод ТЕМЗ изготавливает и реализует:
КРАН БАШЕННЫЙ КБ-403А
Теперь и в ЛИЗИНГ
АВТОКРАНЫ:
КБ-3577 НА БАЗЕ ШАССИ МАЗ
КБ-4574-1 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ
КБ-55724 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ
Тел.: 269-15-33, 262-63-45, 187-52-05, ф. 262-39-66.
E-mail: toemz1@sarkor.uz www.toemz-kran.uz

Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш, буюк аждодларимизнинг бой илмий-маънавий меросини ўрганиш ва тадқиқ қилишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Истиқлол туфайли ислом оламида ёрқин из қолдирган, ўз асарлари билан инсонларнинг маънавий камолотига бекиб ҳисса қўшган алломаларимизнинг номи тикланди, бутунлай қаровсиз ҳолга келган мақбаралари, муқаддас қадамжолари обод этилди.

МИЛЛИЙ МЕРОСИМИЗ ЭЪЗОСИ

Ана шу масканларда зиёратчилар учун зарур шарт-шароитлар яратиб чора-тадбирлари кўрилди. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 27 майдаги "Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси марказини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишлар кўлами ва қамровини янада кенгайтиргани билан аҳамият-лидир.

Марказимиз маъмур қарор асосида ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд меросини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш, унинг эзгулик, маънавий қомилликка чорловчи гоҳларини юртдошларимиз, айниқса, ёш авлод онгига синдириш бора-расида қатор тадбирларни амалга ошираёпти. Ноб меъморий иншоот саналган Баҳоуддин Нақшбанд ҳамда

марказ таркибига кирувчи Абдул-халик Ғиждувоний ёдгорлик мажмуаларини талаб даражасида сақлаш, асраб-авайлаш асосида уларни янада ободонлаштириш чора-тадбирлари кўриляпти. Бу бежиз эмас. Негаки, диний-маърифий ишларни ташкил этиш, айниқса, ёшларимизни Ватанга садоқат, эл-юртга меҳр-оқибатли қилиб тарбиялашда, улар онгига меҳнатсеварлик, бунёдкорлик гоҳларини синдиришда бу икки буюк зотнинг ҳаётбахш ўғитлари жуда қўл келади.

Ўтган давр мобайнида марказимиз томонидан кўлаб маънавий-маърифий, амалий ишлар ба-жарилди. Чунинчи, марказ бино-си қайта таъмирланди. Махмуа ҳудудида зиёратчилар ва хориж-лик меҳмонлар учун қулайликлар яратилди. "Ўзбекистон мадания-ти ва санъати форуми" жамғар-

маси хомийлигида Ҳазрат Саййид Амир Кулол ва Хожа Баҳоуддин Нақшбанд мақбараларига уларнинг таржимаи ҳоли, ахлоқий-маърифий қўғфаси, илмий-урфун-ий меросига оид муҳим маълумотларни ўзида муҳасам этган тошлар ҳалқаро ўрнатилди.

Айни кунда эса мажмуада за-монвий ахборот-ресурс мар-кази биносини барпо этиш ишлари ниҳоясига етмоқда. Бинонинг ички

даний мероси марказининг Осиё ва Тинч океани минтақаси бўли-ми республика Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда масала-га дахлдор бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказган "Те-мурийлар даври архитектурасини бошқариш ва консервация қилиш" мавзусидаги халқаро анжуманда обидаларни сақлаш борасидаги бой тажрибамиз ўрганилди.

Марказ фаолияти билан боғлиқ

Самъонийнинг "Ал-Аноб" асарлари ҳам тез орада китобхоналар кўлига етиб боради.

Мажмуада зиёратчилар ва хорижий меҳмонлар оқими тобора кўпаймоқда. Зеро, Президентимиз ало-ҳида таъкидлаганларидек, "Ҳозирги таҳликали дунёда, тур-ли низо ва адоватлар ҳали-бери барҳам топмаган мураккаб бир вазиятда Нақшбанд бобомизнинг — миллати, тили ва динидан қатъи назар — инсон зотини азиз ва муқаррам билиш, ўзаро меҳр-оқибат, шайқат ва мурув-ват муҳитини қарор топтириш, етим-есирларнинг бошини си-лаш, муҳтожларга ёрдам бериш каби эзгу давъатлари тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Биз Нақшбанд ҳазратларини халқимизнинг руҳи ва табиятига беҳад яқин бўлган ана шундай гоҳ ва қарашлари учун ардоқ-лайимиз, барчамиз унинг бой ме-росидан маънавий куч-қувват оламиз. Ота-боболаримиз бу буюк авлиёга чин дилдан ихлос қўйиб, юз йиллар давомида уни "Баҳоуддин Балогардон" деб улуғлаб келишда ҳам, албатта, теран маъно боради."

Ўқтам ҒУЛОМОВ,
Бухородаги Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси марказининг раиси.

Қадрият

ри кўрилмоқда. Махмуа таркиби-га кирувчи ҳамда тасавуф ва нақшбандия тарихати тарихини акс эттирувчи музей биносини таъмирлаш ишлари ақунга етди.

Марказимизда нақшбандийон-лик кўнлари ўтказиш аниъанга ай-ланган. "Нақшбандия таълимоти ва замонамиз", "Нақшбандия ва қомил инсон тарбияси" мавзула-ридаги республика илмий анжу-манлари мамлакатимизда нақшбандия таълимоти чуқур ўрганилаётганини кўрсатади. Ху-сусан, ЮНЕСКО Бутунжаҳон Ма-

маълумотлар, нақшбандия тари-қати тарихи ва моҳияти ҳақида баҳс юритувчи тадқиқотлар, шу-нингдек, "Нақшбандия" журнали-да чоп этилаётган эътиборга мо-лик мақолалар Интернетда очил-ган сайтимизга жойлаштириляпти. Марказимиз биносидан хатто-лик кўргазмаси ташкил этилиб, унда ноб хат намуналари жам-ланган. Шарқшунос ва манбашу-нос олимлар ҳамда марказ илмий жамоатчилиги ҳамкорлигида иор-данялик тарихчи Эҳсон Зунун Абдуллатиф ас-Сомирий қалами-га мансуб "Бухоро шахрининг ма-даный тарихи. 712-999 йиллар во-қеалари" китоби арабчадан ўзбек тилига таржима қилиниб, нашра-га тайёрланди. Шунингдек, Баҳоуд-дин Нақшбанд ҳазратларининг "Аврод" асарларига шарҳ битган Али ибн Аҳмад-ал-Ғурийнинг "Шарҳи аврод", Абдулқарим ас-



Халқимизда азал-азалдан турли тўй-тантаналар, умумхалқ байрамларида миллий спорт уйини — кўпқари-улоқ мусобақаси ташкил этиб келинган. Ушбу тадбир йигитларни руҳан ва жисмонан чиниктириш, уларда ҳалоллик, орият ва гурур сингари фазилатларни шакллантиришга хизмат қилган, албатта.

ҚАДИМИЙ ЎЗБЕК МАДАНИЯТИНИНГ КОРЕЯДАГИ НАМОЙИШИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Кўргазма дипломатик корпус вакилларида катта қизиқиш уйғотди. Очилиш маросимида қатнашган Германия Федератив Республикасининг Корея Республикасидаги элчиси Х. Сайднинг айтишича: "Ноб археологик топилма-лар, сопол буюмлар, зар-гарлик безакларидан таш-кил топган Ўзбекистон кўргазмаси кишида жуда яқши таассурот қолдиради.

Бундай нодир топилмалар кўна маданият шайдолари ва европалик сайёҳлар эътиборини ўзига тортув-чи Ўзбекистоннинг тарихи ва маданиятининг бойлиги-дан гувоҳлик беради". Музейнинг Осиё санъати бўлими бошлиғи Мин Бюнг-хун ҳам таассуротлари бил-лан ўртоқлашиб, ўзида Ўзбекистонга нисбатан энг ҳаяжонли ҳиссиётлар уйғон-ганини айтиди. "Дарҳақиқат, Шарқнинг энг ёрқин мада-ниятларидан бири сифати-

рея Республикасининг ривожланиш тарихи узоқ асрларга бориб тақалади. Бунга VII аср ўрталарида Самарқанд хукмдори саройининг деворларига ишланган суратларда икки нафар корейс дипломати-нинг сурати акс эттирил-гани ҳам мисол бўла ола-ди. Ушбу деворий сурат-нинг бир парчасини биз Сеулда ўтказилган ушбу кўргазмада ҳам кўрдик. Аминмани, маъмур кўргаз-ма Корея Республикаси ва Ўзбекистон халқлари ўрта-сидаги ҳар томонлама ало-қаларнинг янада ривожла-ниши ва мустаҳкамланиши-га ёрдам беради".

«Жаҳон» АА.
Султ

СОВРИН «ЧАВАНДОЗ»ДА КЕТДИ

Еш драматург Гофур Шермухаммад сценарийси асосида кинорежиссёр Хамидулла Ҳасанов суратта олган "Чавандоз" фильми ана шундай қадриятларимиз улуғланган кинодир. 2007 йилда тасвирга олин-ган фильм 2008 йилда Канн халқа-ро кинофестивали-нинг ахборот дас-турида тақдим этилди. Шу билан бирга Будапешт (Вен-грия), Сочи, Санкт-Пете-бург, Москва (Россия) ша-ҳарларида бўлиб ўтган хал-қаро кино ва телевизион асарлар бозорлари доираси-да ҳам намойиш қилинди. Фильм шу йил 30 октябрь — 4 ноябрь кунлари Италия-нинг Милан шаҳрида бўлиб ўтган "Спорт киноси ва те-левидениеси" 27-халқаро кинофестивалининг танлов дастурига саралаб олинган эди. "Чавандоз" фильмида акс эттирилган ўзбек хал-қига хос эзгу қадриятлар,

миллий удум ва анъаналар фестивал иштирокчилари-да катта таассурот қолдир-ди. Натижада фильм дунёнинг 102 та мамлақати киноижодкорлари иштирок этган маъмур халқаро кино-фестивалининг совриндорла-ридан бирига ай-ланди. Фильм са-мимий ва боқира муҳаббат, миллий анъаналар, ёшларни ўз Ва-танининг муносиб ҳимоячи-лари сифатида тарбиялаш мавзуларини ишонарли акс эттирган энг яқши фильм учун таъсис этилган "Ифти-хор ва гурур" ("Mention d'Honneur") номинацияси бўйича голий, деб топилди. Шундай қилиб, Милан кино-фестивалида Хитой, Италия, Болгария, Эрон ва Ўзе-бекистон киноижодкорлари-нинг асарлари бош соврин-ларни кўлга киритди.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ
тайёрлади.

O'ZSANOATQURILISHBANK

2009 йилнинг 9 декабрида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБнинг «Омад» буюм ютуқли мuddатли омонати бўйича 2-ютуқ тиражининг РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Ютуқлар қуйидаги ҳисобварақ рақамларига чиқди:

| Т/р | Буюм ютуғининг номи | Омонатчиларнинг ҳисобварақ рақамлари | Т/р | Буюм ютуғининг номи | Омонатчиларнинг ҳисобварақ рақамлари |
|-----|---------------------|--------------------------------------|-----|---------------------|--------------------------------------|
| 1. | Блендер | 10 | 26. | Уяли алоқа телефони | 555 |
| 2. | CD плейери | 41 | 27. | Микротўқилки печь | 584 |
| 3. | Радиотелефон | 65 | 28. | Радиотелефон | 611 |
| 4. | «Roison» телевизори | 70 | 29. | Уяли алоқа телефони | 633 |
| 5. | «Roison» телевизори | 89 | 30. | Блендер | 641 |
| 6. | Компьютер P4 | 99 | 31. | Уяли алоқа телефони | 674 |
| 7. | Уяли алоқа телефони | 109 | 32. | Компьютер P4 | 689 |
| 8. | «Roison» телевизори | 146 | 33. | Компьютер P4 | 708 |
| 9. | CD плейери | 183 | 34. | Микротўқилки печь | 717 |
| 10. | Уяли алоқа телефони | 196 | 35. | DVD плейери | 724 |
| 11. | «Roison» телевизори | 262 | 36. | Микротўқилки печь | 742 |
| 12. | Радиотелефон | 285 | 37. | «Roison» телевизори | 769 |
| 13. | Радиотелефон | 299 | 38. | Радиотелефон | 778 |
| 14. | Уяли алоқа телефони | 305 | 39. | Радиотелефон | 789 |
| 15. | Блендер | 320 | 40. | Уяли алоқа телефони | 809 |
| 16. | DVD плейери | 340 | 41. | Уяли алоқа телефони | 818 |
| 17. | Уяли алоқа телефони | 357 | 42. | DVD плейери | 826 |
| 18. | Уяли алоқа телефони | 374 | 43. | Радиотелефон | 836 |
| 19. | DVD плейери | 411 | 44. | Радиотелефон | 855 |
| 20. | CD плейери | 423 | 45. | Радиотелефон | 868 |
| 21. | «Roison» телевизори | 454 | 46. | DVD плейери | 910 |
| 22. | CD плейери | 462 | 47. | «Roison» телевизори | 939 |
| 23. | Блендер | 476 | 48. | Блендер | 967 |
| 24. | Радиотелефон | 518 | 49. | Микротўқилки печь | 980 |
| 25. | CD плейери | 530 | 50. | Микротўқилки печь | 1000 |

Изоҳ: ютуқлар ушбу жадвалда фақатгина биринчи мингалик ютуқлик ҳисобварақлар бўйича кўрсатилган. Агар ютуқли омонат бўйича ҳисобварақлар сон миңдан ошқ бўлса, унда кейинги мингалик ҳисобварақларида ҳам айнан шу сонлар ютуқли ҳисобланади, биринчи мингалик ҳисобланади. Мисол учун: ОД-10, ОД-1010, ОД-2010, ОД-3010 ва ҳ.к. Ушбу жадвал расмий ҳужжат ҳисобланади, «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ филиаллари унинг ёрдамида буюм ютуқларига эва бўлган ҳисобварақларини аниқлайди ва белгиланган тартибда ютуқ ютган «Омад» омонати эгаларига буюм ютуқлари бир ой мuddат ичнда топширилади. «Омад» буюм ютуқли омонат бўйича тиражлар ўтказилаётган йилнинг 1 декабрь ҳолатига омонатчининг ҳисобварақдаги омонат қолдиғи 500 миң сўм ва ундан юқори бўлганлари омонат шартига қўра, ютуқлар тиражида иштирок этади.

Хайъат раиси —
«Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ бошқаруви раисининг ўринбосари
М. К. Мирзабаев

Масъул котиб —
«Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ Пул муомаласи департаментининг
Жамғарма операциялари ва пул ўтказмалари бошқармаси бошлиғи
Н. Г. Эргашходжаев

ПП «ЧИРЧИК ШАНХАЙ ПЛАСТ»
ПРОИЗВОДИТ
НАПОРНЫЕ ПОЛЭТИЛЕНОВЫЕ ТРУБЫ
ДИАМЕТРОМ ОТ 16 мм ДО 1 200 мм
ДЛЯ ГАЗА, ПИТЬЕВОЙ ВОДЫ И КАНАЛИЗАЦИИ,
КОМПЛЕКТУЕТ АДАПТЕРАМИ, СОЕДИНИТЕЛЯМИ,
ОТВОДАМИ, ТРОЙНИКАМИ.
ПРОИЗВОДИТ МОНТАЖНО-УКЛАДОЧНЫЕ РАБОТЫ.
Товар сертифицирован, гарантия — 5 лет, срок службы — 50 лет.
Адрес: г. Ташкент, ул. Шайхантахур, 36, 3-й этаж, бизнес-центр «ЛАБЗАК».
Тел./факс: 241-70-96, 244-83-00, моб. (+998 93) 547-49-75, (+998 90) 995-19-89, e-mail: sedou2005@yandex.ru

«Ўзпахтасаноат» уюшмаси

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 19 июндаги 173-сонли «Республика корхоналарида халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этишни кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан, халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатли бошқариш тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш учун тегишли малакага эга бўлган маслаҳатчинини жалб этиш учун

ОЧИҚ ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Таклифлар эълон чоп этилгандан бошлаб 10 кун мобайнида қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил:
Тошкент шаҳри, Ш. Руставели кўчаси, 8-«А» уй.
Телефонлар: 120-42-39, 120-42-29.

ТУЯМЎЙИН ГИДРОУЗЕЛИНИ ИШЛАТИШ БОШҚАРМАСИ

2010 йилда таъмирлаш ишларини бажариш бўйича қуйидаги гидротехник иншоотларга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича танлов (тендер) савдоси эълон қилади:

1. Султонсанжар дамбасининг 40+00 пикетидан 69+70 пикети оралиғида бетонитдан понур қуриш ишлари.
2. Султонсанжар дамбасининг 0+00 пикетидан 114+60 пикети оралиғида юқори бетон қияликларидидаги чокларни таъмирлаш ишлари.
3. Пьезометрик сув сатҳини ўлчаш тизимларини таъмирлаш ишлари.
4. 7-дамбанинг 3+00 пикетидан 6+00 пикетигача ҳамда 6-дамбанинг 1+00 пикетидан 7+25 пикетигача бўлган ораликларининг пастки бефини тупроқ билан мустаҳкамлаш ишлари.

Таъмирлаш ишларининг бажарилиш мuddати — 2010 йил 31 декабргача.
Буюртмачи — Туямўйин гидроузелини ишлатиш бошқармаси.

Танлов савдоларида қатнашувчиларга қуйидаги шартлар қўйилади:

- шартнома (контракт) тузишга лаёқатли, юридик ҳуқуққа эга, шунингдек, ўқшаш иншоотларини қуриш бўйича тажрибаси борлиги ва ишончли бўлиши;
- етарли касбий ва техникавий малакага эга бўлиши;
- ишчи кучи ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;
- танлов савдолари иш қийматининг камида 20 фоизи миқдоридида бўш айланма маблағларига ёки курсатиб ўтилган маблағларни беришга банк қафолатномасига эга бўлиши.

Юқорида кўрсатилган гидротехник иншоотлар Туркменистон давлати ҳудудида жойлашганлиги сабабли, тендер савдосида голий чиққан ташкилотлар чегарадан ўтиш учун махсус рухсатномага эга бўлишлари зарур.

Оферталарни қабул қилиш тендер савдосини ташкил қилувчилар томонидан қуйидаги манзилда амалга оширилади:
Хоразм вилояти, Питнак шаҳри.
Тел./факс: (8-362) 30-54-906.
Электрон почта: E-mail: tuyamuyin@mail.ru

Тендер ҳужжатларини эълон газетида чоп этилгандан сўнг бир ой ичидида олиш мумкин.

ОБ-ҲАВО (12 декабрь)

Кораканлогистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, айрим жойларда ёғингарчилик бўлади. Туман тушади. Кечаси 8-13, кундузи 0-5 даража совуқ бўлади.

Бухоро ва Навоий вилоятлари. Баъзи ҳудудларда ёғингарчилик бўлиши кутилимоқда. Туман тушади. Харорат тунда 0-5 даража совуқ, кундузи 0-5 даража илқ бўлади. Навоий вилоятининг шимолий қисмида кечаси 8-13, кундузи 0-5 даража совуқ бўлади.

Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, айрим жойларда ёғингарчилик кутулимоқда. Туман тушади. Кечаси 0-5 даража совуқ, кундузи 0-5 даража илқ бўлади.

Тошкент вилояти. Баъзи ҳудудларда ёғингарчилик бўлади. Туман тушади. Харорат тунда 0-5 даража совуқ, кундузи 0-5 даража илқ бўлади.

Қашқадарь ва Сурхондарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлиши кутилимоқда. Туман тушади. Кечаси 3 даража совуқ билан 2 даража илқ атрофида, кундузи 2-7 даража илқ бўлади.

Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари. Ёғингарчилик бўлиши мумкин. Туман тушади. Тунда 0-5 даража совуқ, кундузи 0-5 даража илқ бўлади.

Тошкент шаҳри. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлиши эҳтимоли бор. Туман тушади. Харорат тунда 1-3 даража совуқ, кундузи 3-5 даража илқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1103. 32001 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Ўзбошлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Тахририятта келган кўлабмақал тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғоев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Т-Тижорат материалли

«Шарҳ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Ўза яқуни — 22.20. Топширилди — 23.00

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орплов.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусахҳач — Ш. Машраббоев.

12 45